

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеъриятида лирик хронотопнинг ривожи	77
Г.Орипова	
Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида халқ оғзаки ижоди анъаналари ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликлариаро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулҳазалар.....	96
М.Абдулпаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашурев	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АҲБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фарғона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир	118
С.Содиков	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш	123
Н.Махмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини	126
Ж.Дилмуров	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианти грамматикасининг айрим хусусиятлари	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидой олим	148
БИБЛИОГРАФИЯ	150

УДК: 82/89+8-1/-9

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДА ҚҮЛЛАНИЛГАН ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Ашурев

Аннотация

Мақолада ўхшатишиларни маъновий гуруҳларга бўлиш асосида уларда акс этган миллатнинг миллий дунёкараши, табиат ва жамиятга муносабати, дунёни англашдаги миллий тафаккури, тақослаш маҳорати “Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишилар мисолида таҳлил этилган.

Аннотация

В статье на примере уподоблений, использованных в дастане «Алпамыш», анализируются отраженные в уподоблениях, разделенных на смысловые группы, мировоззрение нации, ее отношение к природе и обществу, национальное осознание мира, мастерство сравнения.

Annotation

This article analyses the classification of simile into groups and national outlook which reflected in simile, divided into meaningful groups, the attitudes to nature and society, national think of world cognition, comparing skill to nature and

Таянч сўз ва иборалар: лингвокультурология, лингвокультурологик бирлик, ўхшатишилар, анъанавий ўхшатишилар, анъанавий турғун ўхшатишилар, индивидуал ўхшатишилар, индивидуал турғун ўхшатишилар.

Ключевые слова и выражения: лингвокультурология, лингвокультурологическая единица, уподобление, традиционные аналогии, традиционные константные аналогии, индивидуальные аналогии, индивидуальные константные аналогии.

Keywords and expressions: linguoculturology, linguoculturological unit, constant analogy, traditional simile, traditional stable simile, individual simile, individual stable simile.

Ўзбек тилшунослигида биринчилардан бўлиб профессор Н.Махмудов лингвокультурология тилшунослик ва маданиятшунослик фанлари ҳамкорлигига, аммо тилшуносликнинг устуворлигига юзага келган энг ёш йўналишларигини, шунинг учун ҳам унинг бевосита тил ҳақидаги илм бағрида шаклланганлигини айтган эди [1,3-16. 2,59]. Кейинги йилларда бу янги соҳага ўзбек тилшуносларининг қизиқишилари ортиб, тилдаги маданий белгиларни тадқиқ қилиш кучайиб бормоқда, бу эса лингвокультурологиянинг келажагини белгилайди.

Лисоний белгининг маъноси ва маданий мазмун бирикувидан таркиб топган, семантикасида маданий ахборот яққол намоён бўлган тил бирликлари лингвокультурологик бирликлар ҳисобланади. “Семантикасида маданий ахборот яққол намоён бўлувчи тил бирликларига фразеологизмлар, эталонлар, рамзлар, метафоралар, турғун ўхшатишилар, нутқий этикетлар, урф-одат ва маросимга доир сўзлар, топишмоқлар, миллий реалиялар, архетиплар, мифологемалар, лакуналар, прецедент бирликлар киради”[2,26]. Тил бирликларига лингвокультурологик жиҳатдан ёндашиш ўзбек тилининг янги қирраларини очиш имконини беради.

Миллат менталитети ва маданияти ҳақидаги маълумотларнинг қимматли манбай тилдир. Буни ҳалқ оғзаки ижоди

намуналари: миф, афсона, ривоят, эртак, достон, қўшиқ, мақол, топишмоқ каби жанрлар таркибида қўлланилган сўз ва иборалар мисолида кўриш мумкин. Ўзбек ҳалқ достонлари миллий дунёкараш, урф-одат ва маросимлар, мақол ва маталлар, иборалар, ўхшатиш ва метафоралар, дуо ва қарғишлар айнан акс этиши билан диққатга молик.

Ўхшатишилар миллий дунёкараш, табиат ва жамиятга муносабат, дунёни англашдаги миллий тафаккур, тақослаш маҳорати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, “...ҳалқнинг муайян предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарзи, ўхшатишиларда намоён бўлади”[3,94].

“Алпомиш” достонида қўлланилган лингвокультурологик бирликлар қаторида ўхшатишилар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Достонда қаҳрамонларнинг ташқи ва ички қиёфасини тасвирилаш, уларнинг руҳий ҳолати, характерини очиб бериш, тасвириланган жой, нарса ва ҳодиса ҳақида яна ҳам тўлиқроқ, аниқроқ маълумот бериш, унинг ёрқин белгиларини кўрсатиш мақсадида ўхшатишилардан фойдаланилган. Ҳалқ достонларининг лисоний-услубий воситаларга, жумладан, ўхшатишиларга бойлиги бахшининг сўз қўлланиш маҳоратига, бадиий савиясига боғлиқ. Ўзбек бахшиларидан Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган “Алпомиш” достонида ҳам ўхшатишилардан унумли фойдаланилган.

Д.Ашурев – НамДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчisi.

ТИЛШУНОСЛИК

“Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да ўхшатишларнинг икки тури: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимиий) ўхшатишлар фарқланади[4,5]. Шундан келиб чиқиб, “Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларни қўйидагича гурухларга бўлишни тавсия этамиз:

1. Анъанавий ўхшатишлар.
2. Анъанавий турғун ўхшатишлар.
3. Индивидуал ўхшатишлар.

Анъанавий ўхшатишлар умуммиллий маданиятта хос бўлиб, барча учун тушунарли, таниш бўлган ўхшатишлардир. Уларда ўхшатиш эталони сифатида ижтимоий турмуш билан боғлиқ бўлган предметлар, ўсимлик, ҳайвон, қущ, осмон жисмлари номлари сермаҳсул ҳисобланади. Бу эса аждодларимизнинг табиат билан ҳамоҳанг турмуш кечирғанликларини кўрсатади. Масалан, *ойдай*, *айқдай*, *шердай*, *лочиндай*, *гулдай* каби. Достон матнида учровчи ушбу ўхшатишларни мавзуларига кўра қўйидагича гурухлаш мумкин бўлади:

Ўсимлик номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: *гулдай*, *олмадай*.

Осмон жисмлари ва табиат ҳодисалари номи балан боғлиқ ўхшатишлар: *ойдай*, *юлдуздай*, *булутдай*, *қор-ёмғирдай*.

Ҳайвон ва ҳашарот номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: *айқдай*, *шердай*, *новвосдай*, *нордай*, *чиғиртқадай*.

Қущ номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: *лочиндай*, *кушдай* // *олғир күшдайин*, *бургутдай*, *шунқордай*, *булбулдай*, *қарчиғайдай*.

Нарса-буюм номи билан боғлиқ ўхшатишлар: *бўздай*, *ўтдай*, *сувдай*, *гавҳар дурдай*, *тошдай*, *ёйдай*, *зарьфарондай*.

Диний тушунчалар номи билан боғлиқ ўхшатишлар: *малакдайин*, *ҳурдай*, *Юсуф татъатли*.

Афсонавий номлар билан боғлиқ ўхшатишлар: *Рустам сифатли*, *айдаҳордай* каби.

Достонда гул билан боғлиқ гул юзли, гулдай юз, гул юзлим, гул юзим, гул юзли дилбар каби ўхшатишларнинг қўлланилиши инсонларнинг гуллар билан ижтимоий-маиший турмушда гўзаллик тимсоли сифатида жуда яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Шу сабабли қизларга гул номларининг исм сифатида танланиши антропонимлар тизимида ҳам гул гўзаллик эталони сифатида ўрин эгаллаганлигини далиллайди: Райхон, Нилуфар, Лола, Наргиз каби.

“Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да гул сўзининг беш хил маъноси кўрсатиб ўтилган. “Алпомиш” достонида қўлланилган гул билан боғлиқ ўхшатишлар

чирошли, гўзал, нафис, латофатли маъноларини ифодалайди. Инсоннинг, асосан, юзи ва қомати гулга қиёсланади. “Зўрлик билан ўйдинг икки кўзимни, Сарғайтирдинг менинг *гулдай юзимни*[5, 160]”. Достон матнида инсоннинг танасини ҳам гулга қиёслаш ўринлари учрайди: “Сўз айтар сизларга мендайн санам, Қалмоқда қолмасин *гулдайин танам*.” (93-бет). Инсон юзини гулга қиёслаш эркак ва аёллар учун меъёрий ҳисобланса, қоматни гулга менгзаш аёл ва ёш болаларга нисбатан кузатилади.

Гул билан боғлиқ ўхшатишлар деярли ҳар бир ҳалқда учрайди, шунинг учун гул ўхшатиш эталони сифатида универсал характерга эга. Бадиий адабиётда ҳам гуллар табиий ҳусусиятлари билан Ёрнинг турли табиий ва инсоний фазилатларини тасвирилаш учун асос вазифасини бажарган. Жумладан, лола гўзаллик ва назокат рамзи бўлиши билан бирга бошқа нозик маъноларни ҳам ифодалайди:

Ел гарчи поланинг тожини учиради, аммо тоғ қоялари камарига қандай таъсир қила олади? (“Маҳбуб ул қулуб”, 18-танбих).

Ҳазрат Навоий ушбу ўринда лола образи орқали дунё ташвишларидан тез ташвишга тушувчи инсонларни назарда тутган.

Ўхшатишларни қўлланишда ўзбеклар эталон сифатида турли ҳайвон ва жониворларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланишади. Чунки инсоният тарихида жонли табиат асосий ўрин тутган. Масалан: *шердай*, *айқдай*, *лочиндай*, *бургутдай* каби. Одамларнинг тасаввурода шер ҳайвонлар шоҳи, айиқ бесўнақай, бақувват, лочин кўзи ўткир, тутганини қўйиб юбормайдиган, бургут эса мағрур қущ сифатида гавдаланади. Бу ўхшатишлар ҳалқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун умуммиллий аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, достонда бахши томонидан ҳам ўхшатишларнинг оригинал намуналари яратилган. Бу хилдаги ўхшатишлар **индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар**, деб юритилади.[6,161] Бундай ўхшатишлар бахшининг маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири сифатида бадиий нутқда алоҳида ўрин тутади. Масалан, достонда *Самарқанднинг миноридай*, обдол талагандай (девона талагандай[7,53]), илон ялагандай, қущ патига сиғингандай, тогнинг чўққиси қулагандай, чиллали музлаган қишидай каби ўхшатишлари учрайди. Булар бахшининг топилмаси:

Барчин шундай қаради: *кўрди*, *Кўкдўнонни ўйнатиб*, бир қалмоқ келаётир.

Самарқанднинг миноридай зингкийиб, бути аймасиб кетган зўр қалмоқ. [5, 75-бет]

Бахши Кўкаманинг баҳайбат гавдасини минорага ўхшатиш орқали унинг ниҳоятда катта, бесўнақай, баҳайбатлигига ишора қиласди. Достон ўқувчиси минораларнинг катталигини билғанлиги учун баҳшининг ишорасига осон тушуна олади. Индивидуал-муаллиф ўхшатишлари вақтлар ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, умумхалқ тили лексиконидан жой олади. “Алпомиш”да кўлланилган эркин ўхшатишларни қўйидагича маъновий гуруҳларга бўлиш мумкин:

Ўсимлик номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: **равочдай**.

Табиат ҳодисалари номи билан боғлиқ ўхшатишлар: **яшиндай, шамолдай, қордай**.

Ҳайвон номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: **қундуздай чўзилиб (от)**.

Нарса-буюм номи билан боғлиқ ўхшатишлар: **қирдай (яғрин), олмосдай (туёқ), шудгордай/ шудгордайин, минордай, симдай (ботмоқ)**.

Тарихий шахс номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: **Хумоюндай**.

Достонда бу хилдаги ўхшатишларнинг кўлланилиши миллат вакили – баҳши орқали миллатнинг миллий тафаккури ва дунёкарашини, дунёни англашини, табиатга муносабатини ўрганиш имконини беради. Демак, яшин ва шамол теззлик, қор оқлик, қир кенглик, олмос чидамлилик, шудгор тел-текислик, минора улуғворлик, мой ёқимлилик каби маъноларда кўлланилган. Баҳшилар томонидан ушбу сўзлардан ўхшатиш сифатида фойдаланилиши бу сўзларнинг ўзбек тилининг луғат бойлигини бойитиб, турғун ўхшатишларга айланишига ўз ҳиссасини қўшишган.

Достон қаҳрамонига зўр, мард, жасур, паҳлавон белгиларини юклашда мардлик эталони сифатида Рустам антропоними ҳам кўлланилган. “Алпомиш” достонида Алпомишнинг кучлилигини, мардлигини, паҳлавонлигини орттириш учун Рустам каби зўр, Рустамдайин, Рустам сифатли каби ўхшатишлардан фойдаланилган. Аслида Рустам – Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш “Рустамхон” достонларининг бош қаҳрамони. Рустамхон туркӣ ҳалқларнинг афсонавий қаҳрамони бўлиб, бу образ орқали йигитлардаги мардлик, жасурлик, ватанпарварлик каби хусусиятлар очиб берилади. Лингвокультурологияга оид адабиётларда бу хилдаги ўхшатишлар прецедент номлар қаторида ўрганилади [3, 87]. Прецедент номлар машҳур матнлар ёки вазиятлар билан боғлиқ бўлган номлар, шунингдек, муайян сифатларнинг намунавий

ийғиндисига ишора қилувчи рамзий номлар ҳисобланади [2, 35]. Рустам прецедент ном сифатида миллат хотирасида муҳрланиб қолган. Рустам дейилгандан, ҳалқнинг тасаввурида паҳлавон йигит – “Шоҳнома”, “Рустамхон” асарлари қаҳрамони Рустамнинг кўрсатган мардлиги, жасурлиги, девлар, аждарлар билан олишиб, уларни енгланлиги каби воқеа ва ҳодисалар гавдаланади. Ўзбек маданиятида бу ном паҳлавонлик, мардлик эталони сифатида қабул қилинган. Шу сабабли достон матнида ушбу ўхшатишдан мард, паҳлавон, бақувват йигитларни тасвиrlашда фойдаланилган.

Ислом маданиятида Юсуф алайҳиссалом гўзаллик тимсоли сифатида тушунилади. “Алпомиш” достонида ҳам Алпомиш Юсуф талъатли, Рустам сифатли қилиб тасвиrlанган: Қоражон Муродтепанинг остига келиб қолди. Шундай тепанинг бошига қаради. Тепанинг бошида **Юсуф талъатли, Рустам сифатли**, бир ҷовкар отли бирор ёнбошлаб ётибди. (129-бет)

Достонда шундай ўхшатишлар ҳам учрайдики, улар баҳшининг бадиий тўқимаси, маҳорати орқали юзага чиқади. Баҳши ўзининг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил ўхшатишлар яратади. Бу ўхшатишлар эшитувчининг кўз ўнгидага достон воқеаларини, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини гавдалантиради. Масалан, *Бу сўзни Кўкаман алп эшишиб, ... бориб, алларнинг ичиди, Кашал ғорида кўзини ёшлаб, ўзини отдан ташлаб, отасига қинғирлиқ қилган боладай, оёгини типирчилатиб, йиғлаб берди.* [5,]. Бу парчадаги ажратилган конструкция эркин ўхшатиш бўлиб, Барчиндан қаттиқ гап эшитган Кўкаманинг руҳий ҳолати отасига айб иш қилиб қўйиб, хафа бўлиб йиғлаб ўтирган болага қиёсланмоқда.

Достонда айрим ўринларда ўхшатишларнинг оригинал варианtlарини учратиш мумкин:

Барчин турар ҳурдай бўлиб,

Мисли асов тойдай бўлиб,

Сағрилари ёйдай бўлиб,

Бир минг қўйли бойдай бўлиб. [5, 88]

Ушбу парчада Барчиннинг ташқи қиёфаси ҳамда руҳий ҳолати оригинал ўхшатишлар воситасида очиб берилган. Аёлнинг қомати, латофати асов тойга ўхшатилиши унинг феъл-атвори билан ҳам боғланади. Шунингдек, ўхшатиш давом этиб, асосан, жонзотларга нисбатан ишлатиладиган *сағри* сўзи Барчинга нисбатан кўлланилмоқда ва олдинги ўхшатиш мантиқан давом эттирилмоқда. Баҳши бу ерда анъанавий

ТИЛШУНОСЛИК

ўхшатиш (Барчин – асов той)дан оригинал ўхшатиш (Барчиннинг сағриси – гавданинг думба билан бел ўртасидаги қисми[8,467] – ёйдай)га кўчиш учун фойдаланган.

Бир минг қўйли бойдай бўлиб ўхшатиши эса мантиқан “кўйи мингга етмоқ” иборасига боғланади. Маълумки, бу ибора “боши кўкка етмоқ” иборасига синоним[9,403] ҳисобланиб, Барчиннинг қизлар даврасидаги руҳий ҳолати, даражаси ва кайфиятини ифодалаш учун ишлатилмоқда.

Эътибор берсак, тўрт сатрнинг ўзида баҳши ўхшатиш учун жонзот ва унга алоқадор

сўзлар, иборалардан унумли фойдаланган. Бу хилдаги ўхшатишлар халқнинг дунёни англаш ва идрок йўсунини, образли тафаккурини ўзида акс эттиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўхшатишларда ижтимоий-тарихий, маданий, адабий аҳборот сақланади. Улар худди мақол, иборалар сингари тилимизнинг бойлиги ҳисобланиб, тил эгаларининг хотирасида барқарор ҳолатда мавжуд бўлади. Ўхшатишларни антропоцентризм нуқтаи назаридан тадқиқ этиш тилшунослигимизнинг янги қирраларини очишга хизмат қиласди.

Адабиётлар:

1. Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди. –Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
2. Маҳмудов Н. Тил тизими тадқики. –Т.: Mumtoz so'z, 2013.
3. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Т.: Маънавият, 2013.
4. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқики йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2012. –№ 5.
5. Худойберганова Д. Матннинг антropоцентрик тадқики. –Т.: Фан, 2013.
6. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Турон замин зиё, 2015.
7. Turobov A. «Alpomish» dostonidagi shevalarga xos so'zlarning izohli lug'ati. – Samarqand: SamDCHTI, 2006. – 53 bet.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)